



Ishonch

Моҳият

Бизнинг энг катта бойлигимиз бунёдкор халқимиздир.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



Кеча Тошкент вилоятидаги «Бўстон» санаторийида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамкорлигида умумий ўрта таълим фанлари бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликларнинг узвийлик ҳамда узлуксизлигини таъминлаш, уларни ўқувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятлари билан мутасоиблаштириш бўйича ташкиллаштирилган ўқув-семинар иш бошланди. Тадбирнинг очилиш маросимида Халқ таълими вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи Йўлдош Асадов, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Муроджон Шарифонов, Республика таълим маркази директори ўринбосари Нарзикул Турдиев сўзга чиқиб, семинар олдидан тўғри масалалар ҳусусида тўхтадилар.



Ўқув-семинар

Таълим тараққиёти йўлида

— Республикада МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб давлат таълим стандартлари амалда жорий этилди, — деди Йўлдош Асадов. — Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда таълим соҳасида улкан ишлар амалга оширилиб, ўқитиш сифатини яхшилаш борасида беқиёс таъжриба тўпланди. Бу ерга республикамизнинг энг фаол, таъжрибали ва малакали мутахассислари бўлган ўз фанининг билимдонларини йиғишдан мақсад, дарсликлар бугунги кун талабларига жавоб берадими, малака ошириш курслари ўқитувчилар эҳтиёжларини қондираётгани каби саволларга атрафлича жавоб топишдан иборат.

— Республикада МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб давлат таълим стандартлари амалда жорий этилди, — деди Йўлдош Асадов. — Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда таълим соҳасида улкан ишлар амалга оширилиб, ўқитиш сифатини яхшилаш борасида беқиёс таъжриба тўпланди. Бу ерга республикамизнинг энг фаол, таъжрибали ва малакали мутахассислари бўлган ўз фанининг билимдонларини йиғишдан мақсад, дарсликлар бугунги кун талабларига жавоб берадими, малака ошириш курслари ўқитувчилар эҳтиёжларини қондираётгани каби саволларга атрафлича жавоб топишдан иборат.

— Республикада МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб давлат таълим стандартлари амалда жорий этилди, — деди Йўлдош Асадов. — Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда таълим соҳасида улкан ишлар амалга оширилиб, ўқитиш сифатини яхшилаш борасида беқиёс таъжриба тўпланди. Бу ерга республикамизнинг энг фаол, таъжрибали ва малакали мутахассислари бўлган ўз фанининг билимдонларини йиғишдан мақсад, дарсликлар бугунги кун талабларига жавоб берадими, малака ошириш курслари ўқитувчилар эҳтиёжларини қондираётгани каби саволларга атрафлича жавоб топишдан иборат.

— Республикада МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб давлат таълим стандартлари амалда жорий этилди, — деди Йўлдош Асадов. — Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда таълим соҳасида улкан ишлар амалга оширилиб, ўқитиш сифатини яхшилаш борасида беқиёс таъжриба тўпланди. Бу ерга республикамизнинг энг фаол, таъжрибали ва малакали мутахассислари бўлган ўз фанининг билимдонларини йиғишдан мақсад, дарсликлар бугунги кун талабларига жавоб берадими, малака ошириш курслари ўқитувчилар эҳтиёжларини қондираётгани каби саволларга атрафлича жавоб топишдан иборат.

Янги кун янгиликлари

Вазирлар Маҳкамасининг таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари мажмуаси таркибидagi идора ва муассасаларнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилидаги фаолиятини таҳлил этган ташкилий қўмита Фарғона вилояти Охунбобоев тумани Марказий маданият уйи қошидаги «Кабутар» ансамблига «Йилнинг энг фаол фольклор жамоаси» сертификатини беришга қарор қилди. Биринчи даражали диплом ва телевизор билан тақдирланган 30 нафар турли касб эгаларидан иборат бадий жамоа унутлабган кўшиқ ва лапарларни тиклаб, айни кунларда коллеж, лицей ва мактабларда байрам дастурини намойиш этмоқда.

Наманган вилоятининг Чуст ва Поп туманларидаги йўл бўйларидида 800 туп арча, 700 тупдан кўпроқ манзарали дарахт кўчати ўтказилди.

Наманган шаҳри яқинидаги Эскиер сув омбори қирғоқлари ям-яшил дарахтлар ва майсазорлар билан қопланган. Бу ерга юзлаб манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Улар орасида япон сафоралари анчагина. У чиройли япроқлари билангина эмас, куз бошларида очилган гўягача ҳам кўзни яшнатади.

Қарши шаҳридаги «Қўқалма» зорлаштириш хусусий корхонаси вилоятдаги корхоналар ва аҳолини мева ва манзарали дарахтлар, турфа хил гул кўчатлари билан таъминлаб келаётган.

32,5 гектарлик боғ, 0,5 гектарлик мева ва манзарали дарахт кўчатлари, гул ниҳоллари ўстирилган қишлоқчинона боғ-бонларига таъжрибали мутахассис Озод Умиров раҳбарлик қилади.

— Жорий йилда 1 млн. 200 минг туп мева ва манзарали дарахт уруғи экиб, 630 минг туп кўчати истеъмолчиларга etkazиб бердик, — деди у.

Наврўз айёмини Хоразм вилояти АСМ ходимлари касба уюшмаси Янгибозор туман кенгаши жамоаси янги бинода кўтиб олмоқда. Бинога киришингиз билан анвойи гулларнинг ифори димоқи кўтиқлайди. Бир ёнда газета-журнал тахламлари-ю мустақиллик йилларида чоп этилган китоблар, деворларда эса юртимиз куч-қудратини, ўтмиши ва бугунини акс эттирувчи лавҳалар акс этган.

Яқинда АСМ ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан бу ерда касба уюшма ва маънавият хоналарини ташкил этиш бўйича қўриқ-семинар ташкил қилинди. Унда туман кенгашларининг раҳбарлари, касба уюшма фаоллари иштирок этди.

Қорақалпоғистонда ободонлаштириш тадбирлари жўшқин кайфиятда давом этмоқда. Жумладан, Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали бошланғич касба уюшма ташкилоти раиси Каримбой Бойимбетов бошчилигидаги бир гуруҳ ёшлар Нукус деҳқон бозори атрофини ободонлаштиришга қўмақлашяпти.

Қорақалпоқ фермер ва деҳқонлари аллақачон баҳорги юмушларни бошлаб юборган. Корхона ва ташкилотлар атрофини тартибга солиш ҳам эътибордан четда эмас.

Биргина аграр тармок ходимлари 1000 га яқин мева ва манзарали дарахт кўчати ўтказиб, 15 километрдан зиёд ариқни тозалашди. Шунча масофадаги дарахтларга шакл берилди.

Ўз мухбирларимиз

Наврўз юртимизга бу йил ўзгача шукўҳ ва жозибани кириб келди. Фориш тоғларида сайиллар бошланди. Байрам Сайёд, Ухун, Сингоб, Учма сингари ўнлаб қишлоқларда ўзига хос тарзда нишонланди.

Жиззахда байрам

— Баҳор айёмини турли миллат вакиллари билан ҳамжihatликда кенг нишонлаямиз, — дейди учмалик Хўжамкул Мухаммадулов. — Байрам шукўҳи ҳар бир хонадонга кириб бормоқда.

Айни кезларда деҳқонларнинг ҳам юмуши кўпайди. Жиззах туманидаги Хамид Олимжон номили хўжаликда 18 гектарлик янги боғ барпо этилди. Шунингдек, элликдан зиёд фермер хўжалиги далаида чигит экишга ҳозирлик қўрилмоқда, галла майдонлари озиклантириляпти.

Вилоятда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давом этаётир. Шаҳар ва қишлоқларда ҳозиргача беш миллион туп мева ва манзарали дарахт кўчатлари экилди ва парваришланмоқда. Эҳтиёжманд оилалардан 894 тасига ёрдам кўрсатилди. Қишлоқларда юздан зиёд оила янги уйларга кўчиб ўтиб, ҳовли тўйларини бошлаб юборди.

Наврўз шодиёналари Жиззахдаги Мустақиллик майдонида катта тантана билан бошланиб, қишлоқларда, кўча-ю маҳаллаларда, ҳар бир хонадонда давом этмоқда.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Хўрлар улуғлаган кун

Баҳорнинг юртимизга ташрифи Сурхон воҳасидан бошланади. Замин яшилликка бурканади. Бу гўзаллик одамлар кўнглига ҳам кўчади.

Наврўз шодиёналари

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова яқинда вилоятга ташриф буюрганида, Наврўз айёмида ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатилиши қадим замонлардан давом этиб келаётган савоб иш эканлигини эслабди ўтанди. Шунга кўра, байрам кўни 30 та кам таъминланган оилага биттадан сиргир совға қилинадиган бўлди.

Вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кам таъминланган оилалар, ноғиронларга совғасалом улашишни бошлаб юборган. Жумладан, Бойсундаги 12-мехрибонлик уйи, Шўрчи туманидаги мактаб-интернат, ҳарбий қисмга кийим-кечак, озик-овқат, ўқув қуроллари ва дарсликлар ҳада этилди. Бирлашма раиси Абдукарим Аҳме-

довнинг таъкидлашчи, бу йилги Наврўз тантаналари олдидан Термиз шаҳри марказида ҳамда аҳоли зич масканларда савдо ярмаркалари ташкил этилган. Тармок кенгаши ва вакилликлари ҳамда бошланғич ташкилотлар маблағи ҳисобидан 10 мингдан зиёд кишига совғалар, пул мукофотлари байрам тўҳфаси сифатида берилди. Айтганча, байрам муносабати билан уюштирилган ҳашарда мева ва манзарали дарахт кўчатлари, гуллар экилиб, ариқ-зовурлар тозаланди. Шу кўни кексалар, етимлар, беморлар ҳолидан хабар олинди.

Ободончилик ишлари давом этмоқда.

— Мактаб, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги ҳар бир ўқитувчи 5 тупдан мева ва манзарали дарахт кўчати экди, — дейди Қумқўрғон туман халқ таълими бўлими мудири Эшмамат Эргашев. — Бундан ташқари, марҳум ўқитувчиларимиз, боқувчисини йўқотган ҳамкасбларимиз хонадонларида бўлиб, моддий-маънавий ёрдам кўрсатилди.

— Наврўз байрами муносабати билан вилоятдаги Ўзбекистон-Россия нефтни қайта ишлаш кўшма корхонаси, Шарғун кўмири кўми, «Денов нефт» унитар ҳамда «Жарқўрғон нефт» ҳиссдорлик жамиятларида ҳар бир ходимга энг кам иш ҳақининг 2-4 баравари, ёш болалари ҳамда ҳомиладорлик таътилида бўлган аёлларга бир ойлик иш ҳақи миқдориди ёрдам кўрсатилди, — дей-

ди Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши раиси М.Аноров. — Уюшмамиз ҳисобидан тармокда ишловчиларга озик-овқат, пул мукофотлари тарқатилди. 150 нафар ноғирон, кам таъминланган оила фарзандига ўқув қуроллари ва дарсликлар олиб бердик.

Қумқўрғон енгил саноат, Юрчи қишлоқ ҳужалиги коллежларидаги онанаси ўқувчиларга туман ҳокимлари ёрдам кўрсатишди.

Наврўз шодиёналари туманлардан вилоят марказига кўчди. Термиз шаҳридаги «Болажон» хиёбони, Бобур номидаги ва «Дўстлик» истироҳат боғлари, амфитеатр, марказий кўчалар байрамона безатилган. Ёшлар ўртасида «Ёшлик ва баҳор», «Биз — Ўзбекистон фарзандларимиз», «Оқила қиз», «Энг намунали ёш оила», «Қишлоғимнинг бетакрор мусаввири» номили ҳамда миллий спорт турлари бўйича фестиваллар ўтказилиб, санъаткорлар ажойиб дастурларни намойиш этишди.

Сурхон заминиди саҳоватпеша тadbиркорлар кўлаб топилди. Ангорлик фермер, Ўзбекистон қаҳрамони, сенадор Исохон Баҳромов, бойсунлик Эсон Тураев, Алишер Пардаев, қумқўрғонлик Зумрад Ҳайитова, жарқўрғонлик Холтўра Чориев каби инсонлар болаларни кимматбахо совғалар билан қўтлашди.

Ҳадиси шарифда «Эзгуликка шошилгинлар» дейилади. Бугун юртимизда баҳор, Наврўз нашидаси кезмоқда. Улуғ байрам кўнглимизга олиб кирган файз ҳеч қачон йўқолмасин.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Касаба уюшма ҳаёти

Дилмурод сувчиниқида ҳашар

Дилмурод Турсунали фермердан ружсат сўради. Фермер рози бўлди. Лекин негадир учинчи кун ҳам у далада кўринмади.
— Ахир, баҳор бошланиб қолди, — бўғилиброк деди Турсунали.
— Бугун-эрта куёш қиздиришга ўтади. Тупроқдан нам тез кўтарилади, ер қурийд. Чигитнинг униб чиқиши қийинлашади-ку?
— Сабабини сўрадингизми? — Турсунали фермернинг гапига жавобан сўради фермер хўжалиги касаба уюшма кўмитасининг раиси Ёкутхон Умарова.
— Уйимда бир-икки кунлик иш бор деганди, — жавоб қайтарди фермер.

— Ҳаммасини очиб айтишга хижолат бўлган. Уйи эскириб қолганди, бу йил иморат солмоқчи. Болалари улгайиб қолди. Иморатини янгилаб олмасан, шошиб қолади, — деди касабақўм. — Кеча хотинини кўргандим. Эри гишт қуяётганини айтди. Демак, бир-икки кунда ишини тугата олмайди. Шанба, якшанба кунлари жамоа билан Дилмуродниқида ҳашар ўтказасан-чи!

— Ҳақиқатан шундай қилса бўлади, — фермернинг чехраси очилди. Бу таклиф фермер хўжалигининг 25 кишидан иборат аъзоларига ҳам маъқул тушди.

Эртасига Дилмуроднинг хонадони тўй ўтказилаётгандек гавжум бўлди. Фермер Турсунали Ҳамроқулов бошлик эркакларнинг бир қисми тупроқ юмшатди, иккинчиси лой пишитди, учинчиси уни юқорига чиқариб турди. Бошқа бири гишт қуйди, гувалак юмалатди. Аёллар эса чой дамлаб, овқатга уннаб кетишди. Биринчи кунёқ иморатнинг ярмига етгудек гишт ва гувалак тайёр бўлди.

— Мен бу ишни бир ойда ҳам қила олмасдим, — деди Дилмурод кечга яқин дастурхон устида ҳашарчиларга миннатдорлик билдириб.
— Елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди. Иморатни ўйлаб кечкурунлари уйқум кочиб кетарди.

Келгуси ҳафта якшанба кунини тағин Дилмуродниқида ҳашарга, — деди фермер. — Зарур иши борларга ружсат берамиз. Ахир Дилмурод ҳам қайси биримизнинг ишимиз чикса ҳеч қачон йўқ демаган.

— Бундан кейин ҳам доимо хизматларингизга шайман, — деди қўлини кўксига қўйиб йигит. — Бир жамоа аъзолари эканмиз, бу бир ота-она болаларидек гап.

Биз ҳикоя қилган жамоа Норин туманида фаолият юритаётган ўнлаб фермер хўжалиги жамоаларидан бири. Улар ўтган йили 62 гектар ерда деҳқончилик қилиб пахта тайёрлаш режасини 121 фоизга адо этишган. Дон етиштириш бўйича ҳам яхши натижа қўлга киритилди. Омборларга гектаридан 66 центнердан галла етказиб берилди.

— Хўжалигимизда ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларини ҳам ривожлантиришга ҳаракат қилаёلمиз, — дейди Т.Ҳамроқулов. — Паррандачилик билан балиқчилик тармоғини ҳам ташкил этдик. Ҳозирча улардан чиққан маҳсулотни ўз эҳтиёжимиз учун ишлатаёلمиз. Кейинчалик тармоқларни ривожлантириб, маҳсулотни давлатга сотишни йўлга қўймоқчимиз. Мақсадимиз жамоа ўртасида дўстликни янада мустаҳкамлаб, бир-биримизни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаб боришдир.

Шу кунларда фермер хўжалиги даласида иш қизгин. Чигит экишни қисқа фурсатда тугатлаб, уруғни ундириб олиш чораси кўрилмоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ishonch» мухбири

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, манфаатларини ҳимоялаш, меҳнатини муҳофаза қилиш билан боғлиқ вазифалар касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади.

Бунда Деҳқонobod халқ таълим бўлими ҳайъати ҳамда касаба уюшма кўмитамиз ўртасида қабул қилинган 2009-2011 йилларга мўлжалланган ҳудудий тармоқ келишуви муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қатор мактабларда педагог-ҳодимларга маънавий-маърифий хизмат кўрсатишни яхшилаш, уларнинг бўш вақтини са-

Замон билан ҳамнафас

марали ташкил этиш мақсадида маънавият хоналари, спорт заллари, кутубхоналарда қулай шароитлар яратилган бўлиб, бу ўз навбатида ёш авлод тарбиясига чуқурроқ ёндашишда ўзига хос кўмакдош бўлмоқда.

Байрамларда педагог-ҳодимларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш аъёна тусини олгани ҳамда, айна вақтда улар ўртасида спорт мусобақаларининг ўтказиб келинаётгани барчага манзур бўлмоқда. Жум-

ладан, таълим ҳодимларининг 10-спартакиадасида туман таълим муассасаларидан ташриф буюрган 750 дан ошиқ педагог-ҳодимлар спортнинг етти тури бўйича иштирок этди. Бундан ташқари, ёзги соғломлаштириш мавсумида туман таълим муассасаларининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож педагог-ҳодимлар фарзандларидан 50 нафари вилоятдаги оромгоҳларда дам олдирилди.

«Баркамол авлод йили» Дав-

лат дастури ҳамда Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасида белгиланган вазифалар зиммамизга катта масъулият оқламоқда. Ҳодимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бундан кейин ҳам асосий мақсадимиз бўлиб қолаверади.

Бахтиёр ЮСУПОВ,
таълим ва фан ҳодимлари
Деҳқонobod туман
бирлашган касаба уюшма
кўмитаси раиси



Бувайда туманининг Окқўрғон қишлоғида болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Аҳмад Тож Ҳайдар» хусусий корхонаси иш бошлади. Корхонага кредит ҳисобига хориждан замонавий тўқув ва тикиш дастгоҳлари олиб келиб ўрнатилди. Утган йили 20 миллион сўмлик сифатли маҳсулот савдо дўконларига етказиб берилди.

Айни кунда корхонада болажонлар учун 35 турдаги кийим-кечак ишлаб чиқарилмоқда.

Суратда: корхона тикувчилари Ҳаётхон Раҳимова ва Тўхтаҳон Расулова.

М. ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат

Маънавий зарар ундириб берилди

Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими касаба уюшмасида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳисобот даврида ҳодимлар манфаатлари ҳимояси борасидаги фаолиятга алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, 9 нафар ҳодимга Фуқаролик суди орқали 565 минг сўмдан зиёд фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун компенсация ва 5 нафар ҳодимга 500 минг сўм микдорда маънавий зарар ундириб берилган.

Йиғилишда мавжуд муаммолар ҳақида ҳам сўз юритилди. Шунга кўра, иш ҳақини муддатда тўлаш, меҳнат таътили бериш ва касаба уюшмаси аъзолик бадалларини тўлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Худди шундай ҳисобот-сайлов йиғилиши туман Ветеринария назорати касаба уюшмаси ташкилотидан ҳам бўлиб ўтди.

М. РАҲМАТОВ,
Агросаноат мажмуи ҳодимлари
касаба уюшмаси Ёзёвон туман
кенгаши раиси

Фаолият

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари

Таълим ва фан ҳодимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши

Барча юртдошларимизни
ва соҳа ҳодимларини,
янгилик ва
яшарли байрами —
Наврўзи олам
билан самимий қутлайди!
Баркамол авлод йилидаги
фидокорона
меҳнатларингизда
зафарлар ёр бўлсин!
Оилангизни тинчлик-
хотиржамлик ва
сиҳат-саломатлик
тарк этмасин!



Наманган вилоят касаба уюшма кенгаши ташкилотлари бирлашмаси

Заминимизни яхшиликка,
кўнгилларни
сурурга тўлдириб ташриф
буюрган тўзаллик
ва ёшлик фасли билан
юртдошларимизни табриклайди.
Кўклам сувларидек
жушқинлик, бинафшадек
беғуборлик барчага ёр бўлсин!



Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Барча юртдошларимизни, темирйўлчилар ҳамда транспорт қурувчиларини баҳор тухфаси —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий муборакбод этади.

Ушбу қутлуғ кунларда барчага мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга файзу барака тилайди.

Баркамол авлод йилида оилангизда хотиржамлик, аҳиллик барқарор бўлсин!

Юрт тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатларингизда омад ҳамиша сизларга ёр бўлсин.

СИХАТГОҲ ВА ОРОМГОҲЛАРИМИЗГА МАРҲАМАТ!

Марказий кенгаш тасарруфида соҳа меҳнаткашлари ва барча юртдошларимизнинг соғлиқларини тиклаш учун «Назарбек», «Чимён» сихатгоҳлари ва «Хужакент» дам олиш маскани мавжуд.

Сихатгоҳлар табиат қўйнида жойлашган бўлиб, иқлими гўзал, маъданли сувларга бой, барча қулайликлар эга ва замонавий жиҳозланган.

Уларда замон талабига жавоб берадиган даволаш-ташхислаш базаси, клиник ва биокимёвий лабораториялар бор.

Сихатгоҳларда, асосан, табиий шифобахш омиллар — минерал сувлар, шифобахш балчик, табиий иқлим, сув бассейнларидан унумли фойдаланилади.

«Нимён» санаторийсидаги олтингургут-водородли маъданли сув ўзининг шифобахшлиги жиҳатидан Сочи курортидаги «Мацеста» суви билан бемалол беллаша олади.

Швейцария меъморчилиги усулида бунёд этилган «Назарбек» сихатгоҳидаги минерал сув ҳам соғлиқни тиклашда ўта фойдали.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги хушманзара тоғ бағрида, денгиз сатҳидан 700 метр баландликда жойлашган «Хужакент» пансионатининг яна бир қулайлиги, унинг ёнгинасидан Чирчиқ дарёси оқиб ўтади.

«Трансфуқароқурилиш» қурилиш-монтаж поезди МЧЖ жамоаси

Барча юртдошларимизни ҳамда биз билан ҳамкорликда ишлаётган мижозларимизни яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўз билан самимий қутлайди.

Барчага мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, бахт-саодат ва мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги меҳнатларида улкан зафарлар тилайди.

«Трансфуқароқурилиш» КМП МЧЖ билан ҳамкорлигингиз — ишдаги муваффақиятларингиз калитидир.

Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Нурмуҳаммад йўли, 23 «А» уй.

Телефон: +998 (71) 232-23-31; Факс: +998 (71) 233-96-74.





Қарши шаҳрида яшовчи Чори Сайфиёв икки сотих майдонда иссиқхона ташкил этиб, гулчиликни йўлга қўйган. Бу ерда юз турдан зиёд ноёб гул ва манзарали дарахт кўчатлари кўпайтирилмоқда. Дунёнинг турли нуқталаридан келтирилиб ўстирилаётган гул ва дарахт кўчатлари буюртма асосида харидорларга етказиб берилмоқда.

Суратда: Чори Сайфиёв ўз иссиқхонасида. Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.

Қадрдонлар қадрланди

Наврўз — инсонийлик, кадр-қиммат, оқибатни тараннум этувчи байрам.

Кўхна Самарқандда аср тенгдошлари, юз ёшдан ошганлар оз эмас. Улар жамоатчилик эътиборида. Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан бир асрдан ортқ умр кўраётган кексалар ардоқланмоқда. Касаба уюшма вакиллари Наврўз арафасида 120 дан ортқ отахон ва онахонлар ҳолидан хабар олишди.

— Юртбошимизга, халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга астойдил интилаётган ҳукуматимизга раҳмат, — дейди пастдарғомлик табаррук онахон Норсулув Абдурахмонова. — Ҳар ойда ҳолимиздан хабар олишга бир ташкилот вакиллари келади. Касаба уюшмасида ишловчиларнинг кўпини таниб қолганмиз. Бизнинг умримизга умр қўшилишида ана шу гамхўрликнинг ўрни бекиёс.

Табаррук ўш соҳибларини эслаш, руҳини кўтаришга барча бош қўшапти. Уларга соғва-салом улашилапти.

Тошлоқлик Хайринисо Ташанованинг ўши 117 дан ошган. Онахон ҳали бардам. У икки аср воқеаларини бот-бот эслар экан истиклол кулларига шукрона айтишдан чарчамайди.

Нурулла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Наврўз шодиёналари

Халқимизнинг азалий қадриятларини ўзида мужассамлаштирган Наврўз ҳар йили қалбларга ўзгача кайфият, шуқуҳ олиб келаверади. Мухтожлар ҳолидан хабар олинади. Ота-она, қариндош уруғ, кексалар зиёрат қилиниб, эзгу тилаклар билдирилади.

Учтепа туман ҳокимиятида бўлиб ўтган хайрия тадбири ана шундай миллий қадриятларимизнинг ёрқин ифодасига айланди.

Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ҳомийлигида ўн йилдан бунён ўтказиб келинаётган мазкур хайрия тадбирида камхарж оила фарзандларига соғвалар улашилди.

Баркамол авлод йиллига бағишланган бу галги аънавий Наврўз байрамида ҳам мактаб-интернатнинг ўқувчилари ўртасида энг яхши кўрғазмали асарлар ва мусиқий дастурлар бўйича кўрик-танлов ташкил этилди. Унда иқтидори юқори баҳоланган ёшлар ўз маҳоратларини намойиш этиб, йиғилганлар кўнглига баҳорий кайфият олиб киришди.


«Янги авлод — 2006» танлови голиби, бир неча бор Республика ва халқаро танловларда муваффақиятли иштирок этган дуторчилар ансамбли ҳамда хор жамоасининг чиқишлари йиғилганлар олқишига сазовор бўлди.

— Мактаб-интернатимиз фаолиятини бошлаганига 80 йилдан кўпроқ вақт бўлди, — дейди муассаса директори Сами Содиқов. — Бу ерда таълим олган ўқувчилар орасидан кўплаб таниқли санъат намояндалари етишиб чиққан. Мазкур таълим масканида айни кунда 600 нафардан зиёд ўш истеъдод эгалари тасвирий санъат ва мусиқа ижрочилиги йўналишида таҳсил олмоқда.

Ўз мухбиримиз

Таълим ва фан ходимлари Ғиждувон туман бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси

Соҳа ходимлари ва барча
фуқароларни нафосат ҳамда
гўзаллик айёми — Наврўзи
олам билан самимий қутлайди.
Мамлакат тараққиёти ва халқ
фаровонлиги йўлида муносиб
ҳиссаси қўшилаётган мухтарам
устозларга хуш кайфият,
мустаҳкам соғлиқ, сермазмун
умр тилайди.



«Баҳорий айём» айланма кроссворди

Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Толнинг эрта кўкларда барг ёзиб попул чикарадиган сурх новдасидан тайёрланадиган сочпопук. 2. Аъналарга кўра уюштирилаётган умум-халқ шодиёнаси, тантанали кун. 3. Баҳорий айёмнинг рамзий таоми. 4. Баҳор таомига ишлатиладиган галла экинчи. 5. Ток баргига қўйма ўраб пиширилаётган таом. 6. Чумчуқсимон сайроқи қуш. 7. Вазиғани бажаришга бўлган кучли иштиёқ. 8. Оқ ёки сариқ тусда очилувчи кўркам гул. 9. Хўл мевадан тайёрланадиган ичимлик. 10. Ассосан тўй-байрамларда чалинадиган миллий саз. 11. Ноз-неъмат сероблиги. 12. Тўқ сафсаранг баҳор гули. 13. Бирор ишни амалга ошириш учун қулай пайт. 14. Буга ҳолида ўсувчи гуллари майда тўпгул, хушбўй, оқ, пушти, қизил рангли манзарали ўсимлик. 15. Дала меҳнаткашларининг ёзил оромгоҳи. 16. Ўзбек маърифатпарвар шоири Муқимий шеоъри. 17. Болаларнинг баҳорги учкучи. 18. Тантаналарда ўтказиладиган миллий чавандозлик мусобақаси. 19. Парранда, кўклам элчиси. 20. Барги ва уруғи таомни хушбўй қилиш учун ишлатиладиган сербарг хушбўй ўсимлик. 21. Кимса ёки бирор нарсага бўлган қадрлаш улуглаш туйғуси. 22. Ўсимликнинг гул ёки баргга айланадиган аъзоси. 23. Урик, олча каби хўл мевалар шиннисидан ёйиб куртилган ширинлик. 24. Гул шайдоси, сайроқи қуш. 25. Қуёш нурунинг ёмғир, фаввора томчиларида синиши натижасида ҳавода турфа рангда акс этадиган манзара. 26. Фалладошларга мансуб экин тури. 27. Баҳорнинг илк чечакларидан бири. 28. Хушбўй ошкўк

ўсимлик. 29. Кайфиятни кўтарувчи, кулгили мўъжаз ҳикоя.

МУАММОНОМА

Авалло куйида таърифлари баён этилиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг.

1. Форс-тожик мумтоз рубойнавис шоири, файласуф ва ҳисоб илми билимдони Умар Хайёмнинг баҳор байрами ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган асари — 3, 1, 19, 4, 17, 11, 3, 10, 5, 1.
2. Дунёнинг кунчиқар томони — 21, 1, 4, 13.
3. Одатда наврўз кунлари жамоа бўлиб, бугдой ёрмаси ва гўшт солиб пиширилаётган таом — 7, 1, 9, 2, 5.
4. Куннинг энг мусаффо, эрта тонг пайти — 15, 14, 12, 7, 2, 6, 1, 5.
5. Бирор муносабат билан уюштирилаётган расмий ва бадий қисмдан иборат йиғилиш — 8, 16, 20, 1.
6. Мевазор ва гулзор маскан — 12, 10, 22.
7. Тўп бўлиб ўсувчи, хидли майда сарғиш-яшил қакра баргларидан дори тайёрланадиган кўп йиллик гиёҳ — 18, 4, 5, 1, 3.

Энди калит сўзлар жавоблари асосида шаклнинг ички қисмидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб, муаммонимани ҳал этинг. Бунда улардан йўналишлар бўйича ўқиш билан XIII-XIV асрларда яшаб ижод этган ўзбек шоири Носириддин Рабзузайнинг шарқона баҳорий айём таърифланган меросидан икки мисрани билиб оласиз.

Ғозилжон ОРИПОВ тузди.

Ўтганларнинг охираати обод бўлсин

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши жамоаси Янгибозор туман бирлашган касабаси уюшма қўмитаси раиси Соатбой Ишчановга отаси **Отажон ИШЧАНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Марказий кенгашнинг молиявий ишлар бўлими мудири Абдурашид Абдувоҳидовга рафиқаси **ДИЛОРОМ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Кумқўрғон туман халқ таълими бўлими, туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касабаси уюшма қўмитаси жамоалари кекса педагог, халқ таълими ва касабаси уюшма фахрийси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси **Ҳаким ХОЛИКОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига, яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси бўлим муҳаррири Амина Қодироввага акиси **Бобохон ҚОДИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Фуқаро Ибрагимов Хуршид Норбўтаевич номига Самарқанд вилояти Пойарқ тумани ИИБ томонидан 2000 йил 25 декабрда берилган СЕ 1471538 рақамли паспорт йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib),
Ma'mura ADILOVA,
Mirzohida SODIQOV,
Normamat

AIAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti

256-87-63

Huquq va xalqaro hayot

256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat

256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport

256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash

256-85-43

Reklama va e'lonlar

256-87-73

Manzirimiz:

100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

A. Toshev

Navbatchi:

Sh. Abdusamadov

Musahhah:

S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma tabaq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda maraba sifatida gazeta nomi ko'rsatib berilgan. Mualliflar fikri bahriyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

h) - Tijorat materiallari

Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 21.50

Buyurtma T — 252

20706 nuxsada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 4 5